O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ 310309

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2009-yil • 14-mart • Shanba • 31 (27.992) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«... халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ».

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ МАСКАНИ

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг мусиқавий ва санъат соҳасидаги истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқалари, тасвирий санъатининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шароитлар яратиш, бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини янада ривожлантиришга устувор вазифалардан бири сифатида эътибор берилмоқда. Ўтган йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори шу соҳадаги ишларни юқори поғонага олиб чиқишга қаратилган.

Бугунги кунда Нукус маданият ва санъат коллежи жамоаси ҳам ана шу қарор асосида таълим-тарбия сифатини яхшилашга алоҳида эътибор бераяпти. Бу билим масканида 241 нафар малакали ўқитувчи 16 та мутахассислик бўйича 763 нафар талабага билим ва касбий маҳорат сирларини ўргатишаяпти. Айни пайтда ушбу даргоҳни тугатган ёшлар мамлакатимизнинг етакчи олий ўқув юртларида ўз таълим йўналишлари бўйича ўқишни давом эттиришаяпти. Айримлари эса, эл-юрт хизматида.

Суратларда: коллеж ўқитувчиси Бозорбой Ерниязов ўқувчилар билан машғулот ўтказаяпти; ўқитувчи Бахберган Сиримбетов ва коллеж ўқувчиси Саломат Аяпов.

(Ўз мухбиримиз)

А.КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

(Қорақалпоғистон Республикаси касб-ҳунар таълими соҳасидаги ислоҳотлар ҳақида 2-бетда ўқийсиз).

✓ Ватан ҳимояси — олий шараф

ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНДИ

Сурхондарё вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғув пункти одамлар билан гавжум. Улар фарзандлари, яқинларини ҳарбий хизматга кузатиш учун келишган. Барчанинг чеҳрасида хурсандчилик. Уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик..

— Жияним Бегимқул Усановни кузатаяпмиз. У келажакда ҳарбий хизматчи бўлмоқчи, — дейди ўзини Менгнор Қурбонова деб таништирган ангорлик аёл.

— Мен Бегимқулнинг отаси бўламан, — дейди Йўлдош Қурбонов. — Ўғлим ўз хоҳиши билан хизматга кетаяпти. Ҳаммамиз хурсандмиз.

Шўрчилик Ўғилой Мўминова эса фахрланиб шундай дейди:

— Менинг ўғлим Жўрабек Юсупов ҳам армияга кетяпти. Уни фахрланиб кузатаяпмиз...

Шу пайт ичкаридан қадди қомати келишган новча йигит чиқиб келди.

— Аскарлик муборак бўлсин — дедик.

— Раҳмат.

— Ўзингизни таништирсангиз.

— Мен Маъруф Жумақулов бўламан. Термиз шаҳриданман.

— Маъруфжон, ҳозирги пайтда ҳарбий хизматга бориш учун жисмоний тайёргарлик синовларидан ўтиш керак.

— Армияни бекорга мардлик ва матонат мактаби дейишмайди. Бу йўлда қандай талаблар қўйилишидан қатъи назар барчасини енгиб ўтишга ҳаракат қиламан.

— Ўйлайманки, ҳар бир йигит ҳарбий хизматга боришни хоҳлайди, — дея унинг фикрини маъқуллади деновлик чақирилувчи Раҳматулло Қурбонов. — Мен ҳам бурчимни бажариш учун кетяпман.

Йиғув пунктида йигитларни ҳарбий хизматга кузатишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Шундан сўнг, сафга тизилган бўлажак Ватан ҳимоячилари йўлга отландилар.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

✓ ЎзХДП ва маҳалла ҳамкорлиги

«СОҒЛОМ АЁЛ — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК»

Тошкент шаҳрининг Миробод туманидаги «Қўйлиқ ота» маҳалласи обод гўшалардан бири ҳисобланади. Маҳалла оқсоқоли Комил Йўлдошев олти йилдирки, бу мўъжаз маскан фаровонлиги, аҳолининг аҳил турмуш кечириши учун ҳаракат қилиб келмоқда. Қолаверса, у партиямизнинг фаол аъзоларидан. Маҳалладаги тарғибот-ташвиқот, маънавий-маърифий тадбирларда ҳудудий ташкилот атрофига бириккан 11 нафар партиядошимиз билан биргаликда мунтазам иштирок этади.

— Маҳалламизда 170 та хонадон, 1200 нафар аҳоли бор, — дейди у. — Партиямизнинг туман кенгаши билан алоқамиз яхши. Бамаслаҳат турли тадбирларни ўтказиб келаяпмиз.

Дарҳақиқат, куни кеча туман партия кенгаши билан ҳамкорликда «Соғлом аёл — соғлом келажак» мавзуида яна бир тадбир ташкил этилди. Унда тиббиёт ходимлари, «Маҳалла» жамғармаси туман кенгаши вакиллари, маҳалла етакчилари ва партия фаоллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар, аввало, юртимизда аёлларга қаратилаётган эътибор, яратилаётган имкониятлар, хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллиги, сиёсий ҳамда ҳуқуқий билимларини оширишда партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр юритдилар.

— Аёл инсоният тараққиётининг барча даврларида жамиятнинг маънавий қиёфасини белгиловчи тимсол саналган, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Маргарита Аҳмедбекова. — Юртимизда асрлар давомида ўзига хос тиббий маданият шаклланган. Шу анъаналарни ривожлантириш орқали оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга эришишимиз мумкин.

— Аёл саломатлиги соғлом фарзандлар туғилишининг биринчи омилидир, — деди мазкур институт филиали директори ўринбосари Нигора Азимова. — Баъзи аёллар бирор дардга чалингандагина шифокорга мурожаат қилади. Аслида инсон ўз саломатлигини соғлигида асраши керак. Биз касалликлар сабаблари ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида кўпроқ тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозим. Чунки одам хасталикларидан ўзини, оиласи ва яқинларини муҳофаза қилиши учун аввало, бу ҳақда етарли тушунчага эга бўлиш, зарур. Айнан соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда БПТлар ва партия фаоллари иштирокидаги турли тадбирларнинг ўтказилиши алоҳида ўрин тутади. Бу борада партия ташкилотлари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тарафдориман.

— Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун аввало оилада тиббий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга, — деди 2-оилавий поликлиника шифокори Нодира Норқобилова. — Кўп ҳолларда оналар фарзандларининг қандай овқатланишига аҳамият бермайди. Тўғри овқатланиш соғлом турмуш тарзининг асосий шартидир. Ҳар бир одам спорт билан мунтазам шуғулланиб, тиббий кўрикдан ўз вақтида ўтиб турса, кўпгина муаммоларнинг олди олинган бўлади.

Тадбирда мутахассислар иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Маҳалла фаоллари бундай давра суҳбатлари тез-тез ўтказилиб турилиши зарурлигини таъкидлашди.

Гулрўҳ ОДАШБОЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

НАВБАТДАГИ ТИББИЙ КЎРИК

«Экосан» халқаро ташкилоти ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Қорақалпоғистон Республикасига навбатдаги саломатлик поездини жўнатди.

Поезднинг «Саломатлик вагонлари» флюрография, электрокардиограмма аппарати, стоматология кабинети ҳамда бошқа зарур тиббий анжомлар билан жиҳозланди. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК тиббиёт хизматининг 18 нафар малакали шифокори «Қорақалпоғистон», «Бўстон», «Жаслық» станцияси темир йўл ходимлари ҳамда шу ҳудуд атрофида яшовчи қишлоқ аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказадилар.

Шунингдек, саломатлик поездига юкланган инсонпарварлик ёрдами Оролбўйи қишлоқларидаги кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар ва ногирон фарзанд тарбиялаётган хонадонлар ҳамда ижтимоий соҳа объектларига топширилади.

ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда «Medical Teams International» халқаро ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган юрак хасталикларини замонавий усулларда даволаш мавзуига бағишланган 10 кунлик семинар бошланди.

Унда Тошкент тиббиёт Академияси ҳамда илмий-текшириш институти ходимлари, вилоят тиббиёт муассасалари мутахассислари қатнашмоқда. Шунингдек, семинарда Америка Қўшма Штатлари Кардиологлар Ассоциацияси аъзоси доктор Томас Элдер ҳам иштирок этмоқда.

— Юртингиздаги бир ҳолат тўғриси, мени ҳайратга солди, — деди ўз маърузасида доктор Томас Элдер. — Ўзбекистонда аҳолининг барча қатламига бирдек тиббий хизмат кўрсатилар экан. Ўзбекистон кардиология соҳасида улкан илмий салоҳиятга эга эканлигини ҳам эътироф этмоқчиман.

— Бутун дунёда аҳоли орасида юрак хасталикларига чалиниш кўрсаткичи ошиб боряпти, — деди Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказ директори ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори Тўрақул Орзуқулов. — Шу боис дунё кардиолог олимларининг илмий ютуқларини ўрганиш — аҳоли соғлиғини муҳофазалашда муҳим ўрин тутади.

Бугун дунёда юрак хасталикларини даволашда интервенцион кардиология йўналиши ривожланиб боряпти. Маълумки, шу пайтгача кардиологияга оид хасталиклар дори-дармонлар орқали даволанар эди. Интервенцион йўналиш — томир орқали тўғридан-тўғри юракда амалга ошириладиган амалиётлар тўплами. Бу йўналиш кардиологияда сўнгги 15 йилда эришилган энг самарали усул ҳисобланади.

Санда САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ошишида ипотека ва истеъмол кредитларининг аҳамияти 2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

• ОТ МИНГАН ОДАМ пиёдага йўл беради

3-бет

❖ Тошкент — менинг тақдиримда

• БАҒРИ КЕНГ, ЮРАГИ ДАРЁ

Тошкентга бир келган сайёҳ бу шаҳарни унутолмайди. Айтишади-ку, Тошкентда бир марта сув ичган чумчуқ Маккатуллодан қайтиб ҳам келади деб.

4-бет

Бугуннинг гапи!

КОЛЛЕЖ БИТИРУВЧИЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

таълим-тарбия жараёнининг самарасини кўрсатади

Мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан ўрта махсус касб-ҳунар таълим тизимида кенг кўламли ислоҳотларнинг бошланганига ўн йил тўлди. Ўтган даврда Қорақалпоғистон ислоҳотлар бошланиши арафасида республикада 36 та касб-ҳунар ва 22 та махсус муассасалар бор эди. Ҳозир 8 та академик лицей, 88 та касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. 36 та таълим муассасаси янги қурилган, 53 таси эса капитал реконструкция қилинган биноларда жойлашган. 2009 йилда 7 та таълим муассасаси биносини реконструкция қилиш режалаштирилди.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ташкил этилган 1998 йилда 300 нафар ўқувчи қабул қилинган бўлса, 2008 йилда улар сони 33 минг 115 нафарга етди. Бугунги кунда ўқувчилар контингенти 98 минг 150 нафарни ташкил этади. Ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасаларини 2001 йилда биринчи қалдирғочлар битказиб чиқди. Битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш ўқув муассасалари раҳбарлари учун энг долзарб масалага айланди. Бандликка кўмаклашиш марказлари билан биргаликда иш берувчи корхона ва ташкилотлардан мутахассисларга буюртмалар йиғиш, меҳнат ярмаркаларида иштирок этиш каби тадбирлар уюштирилди.

Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини берди. Аввалги йилларда битирувчиларнинг бандлиги 65-75 фоиздан ошмасди. 2008 йилда бу кўрсаткич 94,8 фоизни ташкил этди. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини 20 минг 604 нафар ўқувчи битирди. Уларнинг 18 минг 168 нафари ишга жойлашди, 1 минг 261 нафари олий таълим муассасаларида ўқишларини давом эттирмоқда, 63 нафари ҳарбий хизматга чақирилди. Қолганлари орасида тайёрлов курсларда ўқиётганлар, бошқа шаҳарларга кўчиб кетганлар бор. Аммо, бизда ҳар бир битирувчи назоратда туради.

Шу ўринда баъзи касб-ҳунар коллежларининг бу борадаги ижобий ишларига алоҳида тўхтаб ўтишимиз лозим. Манғит қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежига Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар устози К.Жумамуратов раҳбарлик қилаяпти. Бу ерда битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Ўтган йили коллежни битирган 353 нафар битирувчининг 347 нафари эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштирилди. Нукус маиший хизмат, Нукус педагогика, Чимбой агросаноат, Қанликўл қишлоқ хўжалик, Чимбой педагогика, Сарабий агроиқтисодиёт, Тўрткўл маиший хизмат касб-ҳунар коллежларида ҳам бу борада диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, республикадаги 96 таълим муассасасининг 47 таси қишлоқларда жойлашган. Бу йил қурилиши режалаштирилган 5 та таълим муассасасининг 3 таси қишлоқларда бўлади. Ҳозирги коллежларимизнинг 27 тасида бевосита қишлоқ хўжалиги мутахассислари тайёрланади.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ПҚ-1046 сонли қарорининг иловасида «Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун барча қишлоқ туманларида ва вилоятлар марказларида иш ўринларининг ихтисослаштирилган ярмаркасини ўтказиш йўли билан касб-ҳунар коллежларининг йирик ва кичик корхоналар билан узвий ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш» ва «Битирувчиларни ишга жойлаштириш кафолати билан корхоналар томонидан мутахассислар тайёрлаш юзасидан буюртмаларни шакллантириш» белгилаб қўйилган. Биз талабаларимиз ўқишни битирганидан сўнг вақтида ишга жойлашишларини таъминлаш учун фермер хўжаликлари, агрофирмалар, муқобил машина-трактор парклари билан икки томонлама шартномалар тузиш давом эттирилмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир шаҳар ва туманда меҳнат ярмаркаларини изчил ўтказилишини сўраб, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига мурожаат этдик. Таклифимиз қўллаб-қувватланди.

Ҳудудларнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжи асосида таълим бошқармасининг масъул ходимлари томонидан 2009-2010 ўқув йилида ўқувчилар қабулининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Таҳлилларга кўра, 2012 йилда республиканинг халқ хўжалиги соҳалари 31 минг 60 нафар ўрта бўғиндаги мутахассисларга муҳтож эканлиги аниқланди ва 2009 йилда 31 минг 60 нафар 9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига қабул қилиш бўйича таклифлар тайёрланди. Бу йил умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синфларини 31 минг 807 нафар ўқувчи битиради. Ўтган ўқув йилининг 8-29 сентябрь кунлари мактабларда 9-синф ўқувчилари билан ўтказилган саволнома якунига кўра 31 минг 21 нафар битирувчи Қорақалпоғистон ва 724 нафар битирувчи Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида ўқишларини давом эттириш истакларини билдирган.

Республика ҳудудларининг 2012 йилда мутахассисларга бўлган эҳтиёжи таҳлилий якунига кўра 42 та касб-ҳунар коллежининг 2009 йилги қабул режаларига ўзгартишлар киритилган ва эҳтиёж бўлмаган мутахассисликлар режадан олиб ташланди. Улар ўрнига «Ўрмон ва ўрмон-парк хўжалиги», «Агрономия», «Автоматика ускуналари ва электр ўлчаш жиҳозлари», «Тиббий ижтимоий ёрдам», «Ўсимликшунослик фермер хўжалигини ташкил этиш ва юритиш», «Зоотехник», «Чорвачилик фермер хўжалиги ташкил этиш ва юритиш», «Сув хўжалиги ва мелиорация», «Сув хўжалиги объектларини автоматлаштириш», «Гидротехник қурилиши», «Электр тармоқлари ва жиҳозларини ишлатиш», «Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига ишлов бериш ва сақлаш технологияси» каби зарур мутахассисликлар киритилди.

Маълумки, бозор иқтисодиёти юқори малакали рақобатбардош мутахассислар тайёрлашни талаб этмоқда. Бунинг учун замонавий моддий-техника базаси зарур бўлади. Биз касб-ҳунар ўқув масканларимизни бугунги кун талабига мос равишда замонавий асбоб-ускуналар, жиҳозлар, автомобиллар, тракторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминладик. Таълим муассасаларидаги компьютерлар сони 3 минг донага етди. Барча академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг 95,8 фоизи интернет тармоғига уланди. Улардаги дарсликлар, ўқув услубий, сиёсий ва бадиий адабиётлар фонди 2 миллион 375 минг 41 донани ташкил этади. Уларнинг 80 фоизи янги авлод дарсликлари ва адабиётларидир.

Айни чоғда ўқитувчилар малакасини ошириш, илмий салоҳиятини яхшилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим муассасаларида бир фан доктори, 35 нафар фан номзоди, кўплаб тажрибали ўқитувчилар меҳнат қилмоқда. Таълим-тарбия сифатини тубдан яхшилаш мақсадида ўқитувчи-мураббийлар малакасини оширишга талаб кучайтирилди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Нукус шаҳарларидаги олий таълим муассасаларидаги курсларда ўқитувчиларимиз малака ошириб, қайтмоқдалар. Бу йилги режа бўйича 1123 ўқитувчи ана шу курсларда малакасини ошириб қайта тайёрлашдан ўтади. Қисқа муддатда барча ўқитувчиларни ушбу курсларда ўқитишнинг имкони йўқ, албатта. Шу боис таълим муассасаларининг ўзида ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши йўлга қўйилди ва кафедралар томонидан бу қатъий назоратга олинди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Биз тайёрлаётган мутахассислар қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга, умуман мамлакатимизни обод ва фаровон этишга хизмат қилади.

Султан ҚАЛБАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бошқармаси кадрлар тайёрлаш ва уларнинг меҳнатидан фойдаланиш мониторингини олиб бориш бўлими бошлиғи.

ЎзХДП фаоллари

ЯХШИЛИКНИНГ МУКОФОТИ — ФАҚАТ ЯХШИЛИК

Жилвон маҳалласи туман марказидан анча олисда — чўлга туташ ҳудудда жойлашган. ЎзХДП Шофиркон туман кенгаши раиси Бахром Неъматов маҳалла фуқаролар йиғини раиси Кубаро Ниёзова ҳақида йўл-йўлакай ҳикоя қилди:

— Опа ўттиз йилдан буён халқ орасида. Меҳрибонлиги, жонкуярлиги, ташкилотчилиги билан ҳурмат қозонган. Партиямизнинг фаол аъзоси сифатида кўпчиликка ўрнак...

Бу бино ўтган йилда ҳашар йўли билан қурилган шинам тиббиёт масканидир, — сўзида давом этади ҳамроҳим қишлоқ врачлик пункти ёнига етганимизда. — Жилвонликлар энди тиббий ёрдам олиш учун туман марказига қатнаши шарт эмас. Кубаро опа эл бошини қовуштириб, мана шундай масканни барпо этишга ўзи бош бўлди. Маҳалла таркибига кирувчи қишлоқлар хонадонлари тўлиқ газлаштирилишида ҳам унинг меҳнати катта. Маиший ва савдо хизмати кўрсатувчи шохобчалар сони ҳам кўпайди. Ободончиликни эса мана ўзингиз кўриб турибсиз. — Партия етакчиси ён-атрофнинг озодалиги, кўркамлигига ишора қилади.

Қўшни бинода маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган. Опани бу ердан тополмадик. Маҳаллада жамоат транспорти қатновини яхшилаш масаласини тегишли ташкилотлар билан муҳокама этгани кетган, дейишди. Фурсатдан фойдаланиб Чақар, Янги Жилвон, Хазина қишлоқлари, уларда яшаётган одамларнинг турмуш тарзи билан танишдик, кексалар билан суҳбатлашдик.

Маҳалладаги 550 оилада 2370 нафардан зиёд аҳоли яшаркан. Улар орасида кўмакка муҳтож, кам таъминланган, ногиронлар ҳам йўқ эмас. Ҳаммасининг ўзига яраша турмуши, қувонч-ташвиши бор.

— Барака топгур, раисимиз жуда жонкуяр, — дейди кичик чақарлик биринчи гуруҳ ногирони Файзибой ота Раҳимов. — Ҳар ўтганда хабар олади. Юролмаслигим сабабли ногиронлик аравачасини совға қилишди. Байрамларда асло ёддан чиқармайди. Юзидан нур, қалбидан меҳр ёғилиб турган бу аёлни барча ҳурмат қилади.

Шу қишлоқлик якка-ёлғиз Ором Абдиева, хазиналик биринчи гуруҳ ногирони Марҳабо Қаҳҳороваларнинг Кубаро Ниёзова ҳақидаги илиқ сўзларидан опанинг халқ меҳрини қозонганига яна бир бор амин бўлдик.

— Боринг ҳам, йўғинг ҳам маҳалла билан, — дейди Кубаро Ниёзова. — Маҳалладошлар ҳурматингни жойига қўймаса, елкадош бўлмаса ҳеч бир иш битмайди. Ўз навбатида, раҳбар мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар моҳиятини тўғри ва чуқур англамоғи, маҳалла фаолиятига оид қонун, қарор ҳамда фармонларни пухта ўзлаштирган бўлиши, ортидан одамларни эргаштира олиши керак. Мен шунга интиламан. Бунда маслаҳатчилар, партиядошларимга таянаман.

Мамлакатимиз раҳбарининг хотин-қизлар байрами муносабати билан биз аёлларга йўллаган табригини ҳаяжон билан ўқидик. Шаънимизга айтилган самимий сўзлардан бошимиз осмонга етди. Юртбошимизнинг меҳри ва ғамхўрлигини яна бир бор чуқур ҳис этдик. Айни чоғда, бизга билдирилган юксак ишончдан хулоса чиқариб олишимиз кераклигини ҳам маслаҳатлашдик. Кўрсатилаётган ҳурмат-иззат, меҳрибонликка муносиб жавоб қайтариш учун ҳар биримиз ўз вазифамизни сидқидилдан бажаришимиз лозим, деб ҳисоблайман.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Тадбир

АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ

ошишида ипотека ва истеъмол кредитларининг аҳамияти

Республика Марказий банки томонидан ташкил этилган матбуот анжумани ана шу мавзуга бағишланди. Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда турмуш фаровонлигини изчил ошириб бориш ҳукуматимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда, — деб алоҳида таъкидланди анжуманда. — Бу борада тижорат банклари томонидан ажратилаётган ипотека ва истеъмол кредитларининг ўрни жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш, аҳоли даромадларининг ошиши банк хизматларидан фойдаланувчилар сони йилдан-йилга кўпайишига, пировардида, банкларнинг мазкур йўналишдаги хизматлари кўлами кенгайишига олиб келмоқда. Бу жараён бозорнинг ушбу сегментида ўзига хос рақобатни вужудга келтириб, банклар янги мижозлар орттириш учун дастлабки тўлов ва фоиз ставкасини бир-биридан фарқ қиладиган янги дастурларини таклиф этмоқда.

РАҚАМЛАР: 2008 йилда тижорат банклари томонидан республикамиз аҳолисига жами 240,9 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилди. Бу 2007 йилга нисбатан 73,3 фоиз кўп.

❖ Тижорат банклари томонидан «Ёшлар йили» дастури доирасида ёш оилаларга ажратилган имтиёзли ипотека кредитлари миқдори 69,7 млрд сўмни ташкил этди. Натижада, минглаб фуқаролар якка тартибда уй-жой қурди, хонадонларини таъмирлаб олишди, янги квартиралар харид қилишди.

❖ Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тижорат банклари маблағлари ҳисобига 67 та кўп қаватли турар жой биноларини қуриб, фойдаланишга топширилди. Уларнинг 44 таси «Ипотека» банки томонидан молиялаштирилди.

Ушбу турар жой биноларини қурилишини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан қурилиш ташкилотларига қарийб 50 млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

❖ Ўтган йили тижорат банклари томонидан мижозларга жами 177,5 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари ажратилди. Мазкур кўрсаткич 2007 йилдагидан 39 фоиз зиёдроқ. Таъкидлаш жоиз, уларнинг 36,5 млрд. сўми ёш оилаларга ажратилди.

Келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминланиши — аҳоли даромадларининг ошишига олиб келмоқда ва фуқаролар томонидан истеъмол кредитларига бўлган талаб ҳам муттасил ўсиб бормоқда.

Мамлакатимизнинг иқтисодий ва молиявий салоҳиятининг пухта пойдевори, молиявий-банк тизимининг ишончли бошқарув механизмлари ўз вақтида шакллантирилиб ва мустаҳкамлаб олингани жаҳон молия инқирози юз берган бир пайтда ўз самарсини бермоқда. Дунё иқтисодий-молиявий инқирози оқибатларига қарши кураш йўлида банк ва молия тизилмаларига қўшимча ёрдам бериш, иқтисодиётимизнинг реал сектори тармоқлари фаоллигини кучайтириш ва уларни рағбатлантириб бориш борасида кўрилган чора-тадбирлар ҳам аҳоли даромадлари ўсишига хизмат қилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат — истеъмол кредитларининг айнан ўзимизда — Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларга ажратилиши ўз навбатида товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, ипотека ва истеъмол кредитлари ўсиш динамикаси ишлаб чиқариш жараёнлари узлуксизлигини таъминлаш имконини бермоқда. Шунингдек, пул айланмасини тезлаштириш, суғурталаш, инвестициялаш каби қатор бозор муносабатларини мувофиқлаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу ҳақда Юртбошимизнинг шу йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасида шундай дейилди:

«Ўтган йилнинг энг муҳим ютуқларидан бири Ўзбекистон банк тизимига жаҳоннинг нуфузли рейтинг агентликларидан бўлган «Мудис» агентлиги томонидан бир йўла учта йўналиш, яъни, банк-молия тизимининг барқарорлиги, миллий валютада узоқ муддатли депозит рейтинги ва хорижий валютада узоқ муддатли депозит рейтинги йўналишлари бўйича «Барқарор» рейтинг даражаси берилгани бўлди. Мазкур агентлик ҳисоботида таъкидланганидек, «Банк тизими учун ижобий баҳо банкларни назорат қилиш муҳити мустаҳкамлигини, банк тизимининг потенциал ўсишини, молия тизимидаги таркибий ўзгаришлар ва миллий иқтисодиётнинг ўсишини акс эттиради».

Давлатимиз раҳбари томонидан яқинда имзоланган «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда реконструкция ва таъмирдан ўтказиш учун пудрат ишлари қўламини кенгайтиришни рағбатлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларида мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва қурилиш-пудратчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда. Мазкур қарорларнинг ижроси — янги иш ўринлари яратиш билан аҳоли бандлигини таъминлашга ва уларнинг мунтазам даромад олишига кенг шароит яратади. Пировардида, ипотека ва истеъмол кредитларига бўлган талаб Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ҳам жуда катта аҳамият касб этиши турган гап.

Тадбирда тингланган маърузалар ва журналистларни қизиқтирган саволларга берилган жавобларда жорий йилда ҳам жамиятимиз пойдевори бўлган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини бошлаш учун уларга зарур ёрдам кўрсатиш ҳамда уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга қаратилган кредитлар ажратиб бориш изчил давом эттирилиши алоҳида уқтириб ўтилди.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

Солиқ ва ҳаёт

ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ САМАРАСИ

Республикамиз иқтисодиёти эркин бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтаётган даврда солиққа тортиш тартиб-қоидалари ҳам барқарорлашаётган иқтисодий тараққиёт сурьатларига муносиб равишда такомиллашиб бормоқда. Зеро, янги солиқ сиёсати иқтисодий ўсишга ижобий таъсир қилиб, жаҳон молиявий инқирози жараёнида аҳоли даромадини муттасил кўпайтириб боришга йўналтирилди. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолиятини амалга оширилишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Буни Юнусобод тумани мисолида ҳам кўриш мумкин. Рўйхатдан ўтган 6002 та юридик шахсдан 498 тасига қарор талаблари асосида улгуржи, чакана савдо фаолиятларини амалга ошириш ҳуқуқи берилган.

Қарор талаблари бажарилишини ўрганиш мақсадида тумандаги савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида 43 та режали ва 58 та қисқа муддатли текширишлар ўтказилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида савдо фаолияти билан боғлиқ тартиб-қоидаларга муносабат ижобий томонга тубдан ўзгариб бормоқда. Қонун ва қарорлар талабига риоя этмаслик қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан кўпчилик тегишли хулоса чиқариб олган.

Солиқ сиёсати соҳасида олиб борилаётган чора-тадбирлар аҳоли турмуш тарзи ривожи ва эл-юрт фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Амриддин МАҚСАДОВ,
Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи.

Кўпчиликни ўйлантираётган муаммо

Пойтахтимиз аҳолисининг асосий қисми жамоат транспортидан фойдаланади. Кейинги йилларда бу соҳадаги ўзгаришлардан йўловчилар миннатдор. Энг қулай транспорт воситаси — метронинг янги линияси ишга тушди, шаҳримиз кўчаларида замонавий автобус ва трамвайлар пайдо бўлди, транспорт хизмати соҳасига хусусий тадбиркорларнинг кириб келиши рақобатни янада кучайтирди. Катта йўллар таъмирланди, барча қулайликларга эга шоҳбекат ва бекатлар қурилмоқда. Лекин бу борада баъзи бир муаммолар ҳам уни атрофлича ўрганишни, таҳлил қилишни шароитнинг ўзи тақозо этмоқда.

Келинг, бу ҳақда гапиришдан олдин гавжум автобус бекатларидан биридаги аҳволни кузатамиз.

ОТ МИНГАН ОДАМ

пиёдага йўл беради

Юнусобод деҳқон бозори олдидаги автобус бекатидамиз. Ундан атиги ўн қадам нарида — бозор дарвозаси. Тўлиб-тошиб харид қилиб дарвозадан чиқишингиз билан шундоқ бекат ўриндиғига ўтиришингиз мумкин. Мана, кутган автобусингиз ҳам келди. Энди буёғи сал қийинроқ...

Бекатда енгил машиналар тургани учун автобус жой тополмай, йўлнинг ҳаракат қисмида тўхтайди. Йўловчилар юкларини кўтариб, енгил машиналарни оралаб, автобусга талпинади. Биров улгуради, биров улгурмайди...

Автобусга чиқолмай қолган кекса аёл билан суҳбатлашдик.

— Галина Самойловаман, — деб ўзини таништирди аёл. — Доимо шу бозордан харид қиламан. Бекатдаги аҳвол ҳамиша бир хил — енгил машиналар қатор туради. Шу сабабли автобуслар бекатга киролмай, ўртарокда тўхтайди. Унга етиб олиш биз каби ёши ўтганларга жуда қийин...

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ҳаракат хавфсизлиги мутахассиси Муҳаммад Қаҳҳоров автобус бекатларидаги ғаройиб «автотураргоҳ»ларнинг жамоат транспорти хизматига салбий таъсири ҳақида куюниб гапирди:

— Қулайлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида кўпгина бекатлар чўнтак ва ярим чўнтак шаклида қурилган. Ҳатто шундай бекатларда ҳам енгил машиналарнинг турганига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Юқоридаги ҳоллар автобус ҳайдовчиларини йўл ҳаракати қоидаларини мажбуран бузишига сабаб бўлади. Бекатларни шахсий машиналар эгаллаб олгани учун автобуслар йўлнинг ҳаракат қисмида тўхташга мажбур бўлаяпти. Еки бекатга киришга белгиланганидан сабабли қатнов жадвалидаги интервал бузилади. Қайсидир бекатда автобус кутиб ўтирган одам ишга кечикади. Хуллас, асаббузарлик бошланади. Ажабланадиган томони шуки, ўз машинасини қоидага хилоф равишда тақиқланган жойга қўйган валломат эса бунинг учун ҳамма вақт жавоб беравермайди.

Бу муаммолар ҳақида Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармасига қарашли йўл ҳаракат хавфсизлиги бошқармасига тақдимномалар киритганмиз. ЙҲХБ ходимлари билан бирга қўшма рейдлар ўтказяпмиз. Албатта, бу чоралар ўз самарасини беряпти. Аммо, гавжум ҳудудлардаги бекатлар, жумладан, Навоий кўчасидаги ярмарка, Юнусобод, Чорсу, Олой бозори атрофидаги бекатларда аҳвол эътиборга муҳтож...

Шу куни ЙПХ ходимлари Юнусобод деҳқон бозори атрофидаги бекатлардаги шахсий автотранспорт эгалари билан тушунтириш ишлари олиб борган пайтида айрим эътирозлар ҳам эшитдик.

— Аввал шароит яратиб қўйиб, кейин талаб қилинглар-да, — деди кексароқ, кўринишидан зиёли ҳайдовчи. — Мен олдин стоянкага қўймоқчи эдим, лиқ тўла экан...

Унинг гапида жон бор. Аммо бир қадам наридаги «стоянка»га кирмай машинасини йўл четида қолдириб кетаётганлар оз эмаску.

— Ходимларимиз бундай ноқулай вазиятга тез-тез тушадилар, — дейди ЙҲХБ йўл хавфсизлиги бригадаси 1-дивизон командири Маъруф Алиев. — Ўринли талаб. Лекин бу ҳеч кимни жаримадан қутқармайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бекатлар олдига ўз машиналаримизни қўйишдан сақланишимиз керак. Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони эса... Масалан, Олой бозорига келган автоуловли харидор бу ерда мавжуд бир нечта автотураргоҳга бемалол машинасини қўйиши мумкин. Айрим бозор, хизмат кўрсатиш шохобчалари олдида автотураргоҳлар йўқлиги туфайли автомашиналар пиёдалар учун мўлжалланган йўлакларга, йўлга қўйилади, бу ҳол ҳаракат хавфсизлигига албатта халақит беради.

Аҳоли гавжум манзилларда автотураргоҳларнинг бўлиши нақадар муҳимлигига бир мисол. Юнусобод ҳалқа йўлидаги «Юнусобод» ресторани айнан айланиш йўл чеккасида жойлашган. Бу объект олдида автотураргоҳ йўқ пайтида йўлнинг айнан шу айланиш қисмида доим автотранспортларни кўриш мумкин эди. Тақдимномамиздан кейин бу ерда автотураргоҳ қурилди-ю, муаммо ҳал бўлди.

— Шаҳарсозлик назорати қоидаларига кўра ҳар бир хизмат кўрсатиш объекти олдида автотураргоҳ бўлиши шарт, — дейди ЙҲХБ йўл назорати бўлими бошлиғи, ўринбосари, Тошкент шаҳар архитектура режалаштириш бошқармасидаги комиссия аъзоси Ботир Ҳамроқулов. — Комиссия янги иншоот учун ер ажратаётганида, биз ҳам бу борада ўз талабларимизни қўямиз. Шулардан бири — автотураргоҳлардир. Айни кунда олдин қурилган бинолар, хизмат кўрсатиш объектлари ҳудудида ҳам автомобиллар тўхташ жойи ташкил қилиш ҳақида шаҳар ҳокимияти ва Бош архитектура режалаштириш бошқармасига тақдимномалар киритяпмиз. Мутасадди ташкилотлар ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бу талабларни бажаришяпти. Кўп жойларда ер ости автотураргоҳлари қурилди. Афросиёб кўчасида бундай автотураргоҳлар деярли ҳар бир хизмат кўрсатиш объектида бор.

— Тошкент мегаполисга айланиб боряпти, — дейди ЙҲХБ жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлими катта инспектори Ойбек Отабеков. — Халқимизнинг турмуш даражаси ошиб, йўлларда автоуловлар ҳам кўпайиб бормоқда. Айни кунда шаҳарда 300 минг автотранспорт воситаси қайд этилган. Бу рақам йилига 5-7 фоизга ошяпти. Ҳар куни пойтахтга четдан 150 мингдан ошиқ автоулов кириб чиқади. Йўл ҳаракатини бошқариш ҳам шунга яраша ўзгаряпти. Чорраҳадаги ЙПХ инспектори ўрнини светофорлар эгаллади. Яқин келажакда эса компьютерлаштирилган «ақлли» светофорлар ишлай бошлайди. Улар датчиклар қайд этган маълумотлар асосида қайси йўналишда машиналар оқими кўплигини «аниқлаб», ўша йўналишга яшил чироқни кўпроқ муддат ёқиб туради, демак, тирбандликнинг олди олинади....

Бошқармада яхши бир янгилик эшитдик. Пойтахт кўчалари чорраҳаларига видеокузатув мосламалари ўрнатиш борасидаги лойиҳа-режа ишлари якунланиб, таклифлар киритилган. Демак, яқин вақтлар ичида ҳайдовчилар ЙПХ ходими билан юзма-юз келмай туриб, видеокузатув «хабари»га кўра қоидабузарлиги учун жарима тўлайди. Балким, ўшанда бекатни автотураргоҳга айлантирган қоидабузарлар видеокузатувнинг ўткир нигоҳидан ҳайиқишар..

Ҳозирча эса... хулоса битта: ҳар қандай ҳолатда автомобилингизни бекатга қўйишингиз маъқул эмас. Пиёдалар ва йўл ҳаракати қоидаларини ҳурмат қилишимиз лозим. Ахир халқимизда қадимдан келаётган ёзилмаган қонун бор: От минган одам пиёдага йўл беради...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган суратлар.



ШОҲМОТ ДАРСИ мактаб дастурига киритилади



Молдовада янги ўқув йилидан бошлаб «Жисмоний тарбия» дарси доирасида «Шоҳмот» дарси ҳам мактаб дастурига киритилади. Республика ҳукумати бу борада қарор қабул қилди, дейилади «Новости-Молдова» АА хабарида.

Қарорда айтилишича, шоҳмот миллий спортни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Қарорда мактабларда шоҳмот дарсини олиб бориш учун кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам эътибор қаратилган. Кейинчалик шоҳмот бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида республика мусобақалари ўтказиш назарда тутилган.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАЛАРИ импорти тақиқланди

Украина ҳукумати республикага қишлоқ хўжалиги машиналари импортини тақиқлади. Негаки, бундай техникалар мамлакатнинг ўзида ҳам ишлаб чиқарилади.

Республика ҳукумати, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасини арзонлаштирилган нархларда сотиб олиш учун аграр соҳага кредитлар ажратиш имкониятларини ҳам ўрганиб чиқмоқчи.

Ҳукуматнинг бундай қарорга келиши бежиз эмас, дейилади «proUA» АА хабарида. Чунки мамлакатнинг бир қатор саноат корхоналари ўз маҳсулотларини сотолмай, банкротлик ёқасида турибди. Масалан, комбайн ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи Херсон машина-қурилиш заводи шундай ҳолатда.

Иш йўқлиги ва маошлар берилмаётганлиги боис февралда ишчилар норозилик билдириб, дастлаб заводни, сўнг Херсон вилояти маъмурияти биносини эгаллаб олгандилар.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚУЙИДАГИ ИНШООТНИ ТЎЛИҒИЧА ҚУРИБ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШ ШАРТИ БИЛАН ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ҚАЙТАДАН ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Иншоотнинг номи ва манзили	Буюртмачи бошланғич нархи (ҚҚС билан)	Буюртмачи бошланғич нархи (ҚҚС сиз)	Қурилиш муддати
1.	Пахтачи туманидаги тиббиёт йўналишидаги касб-ҳунар коллежига 200 ўринли ётоқхона қурилиши	1 100 401 500 сўм	917 001 250 сўм	7 ой

Қурилиш ишлари давлат бюджети маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, телефон: 8(366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурси ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд қилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, факс: 233-32-00, тел: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар)очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 15 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 10.00 да ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдосини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Лот №	Мактаб манзили, рақами	Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм)	Фойдаланишга топшириш муддати
1	1/1	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Оромгоҳ даҳасидаги 1176 ўқувчи ўринли 60-мактабни жорий таъмирлаш.	116 328 185	2009 йил 1 август
2	1/2	Наманган вилояти, Чуст тумани, Олмос қишлоғидаги 870 ўқувчи ўринли 17-мактабни жорий таъмирлаш.	85 832 282	2009 йил 1 август
3	1/3	Наманган вилояти, Поп тумани, Поп шаҳридаги 724 ўқувчи ўринли 65-мактабни жорий таъмирлаш.	71 281 931	2009 йил 1 август
4	1/4	Наманган вилояти, Поп тумани, Поп шаҳридаги 960 ўқувчи ўринли 11-ИМИни жорий таъмирлаш.	94 801 730	2009 йил 1 август

Буюртмачи: Наманган шаҳри, 3-қичик тумани Дўстлик шоҳ кўчасида жойлашган вилоят халқ таълими бошқармаси.

Телефон: 8(3692) 32-49-52, 32-61-15.

Қурилиш ишлари Наманган вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармасига ажратилган мактаб жамғарма маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: **Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00дан 17.00га**ча мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда: Наманган шаҳри, 3-кичик тумани Дўстлик шоҳ кўчаси, вилоят халқ таълими бошқармасида ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

«АНГОР ПАХТА ТОЗАЛАШ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

қуйидаги иншоот бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан қайта очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Сурхондарё вилояти «Ангор пахта тозалаш» заводини реконструкция қилиш (ҚМИга).

Иншоотнинг бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғи билан — 4343100,0 минг сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 3619250,0 минг сўм, *қурилиш муддати — 4 ой.*

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш. — ўз маблағи ҳамда банк кредитлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: «Ангор пахта тозалаш» очиқ акциядорлик жамияти.

Манзили: Ангор тумани, Наврўз маҳалласи, Алишер Навоий кўчаси.

Тел: (8-376) 223-66-34.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй.**

Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй.**

❖ Тошкент — менинг тақдиримда

БАҒРИ КЕНГ, ЮРАГИ ДАРЁ

Устоз адибларнинг ажойиб роман ва қиссалари, шеърий китобларигагина эмас, балки жаҳонгашталикларига ҳам ҳавас қилардим. Улар бир қарасанг Африка мамлакатларида, бир қарасанг Европада, бир қарасанг узоқ Шарқда... Қойил-е, дердим. Ёшлигимда менда ҳам жаҳонгашталикка андаккина майл бор эди. Ўттиз йилча олдин Мисрга бориб қолдим. Ҳайратомуз эҳромларга анграйиб қараб тургандим. Шорт кийиб олган қора кўзойнакли новча одам менга қараб бир нималар деди. Гапига тушунмай елка қисиб қўйдим. Кейин у русчани ҳийла бузиб, «Қаердансиз?» деб сўради. У бошимдаги дўппига қизиқиб қарарди. «Тошкентданман, Ўзбекистондан» дедим. «А, Тошкент, Шош», — деди у мамнун ҳолатда.

Рус тилида узуқ-юлуқ суҳбатимиздан шу нарса маълум бўлди: у англиялик тарихчи олим экан. Тошкент, Бухоро, Хива, Самарқандда бир неча марталаб бўлган ва Ўрта Осиё мамлакатлари ҳақида китоблар ёзган экан. Тошкент бозорлари, унинг қовун ва узумини мақтади. Хайрлашаётиб, Тошкентга яна бораман, деди.

Ҳа-да, Тошкентга бир келган сайёҳ бу шаҳарни унутолмайди. Айтишадику, Тошкентда бир марта сув ичган чумчуқ Маккатуллодан қайтиб келади деб.

Юқоридаги мисолни бежиз келтирганим йўқ. Номи минг-минг йиллар қаъридан чиқиб келган, теран томирли қадимий Тошкент Шарқдан камолини, бутун бўй-бастини жаҳонга кўрсатиб турган гўзал, обод ва пурҳикмат шаҳар. Илму маърифат, маданият шаҳри.

Майли узоққа бормай, Шарқнинг бу азим шаҳри мендай оддий бир ижодкорнинг тақдирида қандай ўрин тутганини мухтасар қилиб айтиб берай. Бундан ярим аср муқаддам Фарғонанинг олис бир қишлоғида униб-ўсган, ҳеч кимдан фарқи йўқ ёш ижодкорнинг камтарона хизмати ногаҳон Тошкент эътиборига тушиб қолганини ҳали-ҳамон миннатдорчилик билан эслаб юраман. Демоқчиманки, 1965 йил баҳорида мазкур «Ўзбекистон овози» газетасига ишга қабул қилиндим. Забардаст журналистлар жамланган ижодий жамоада иш бошладим.

Республиканинг отахон газетасида ишлаш катта масъулият эканини, журналистдан катта маҳорат, малака, топқирлик талаб этишини шу ерда ҳис этдим. Бизга ўхшаш ёшларни ҳафталар, ойлар, йиллар ўз синовидан ўтказиб борарди. Мен ушбу газетанинг устунларидан бўлган ажойиб журналист ва ёзувчи Ҳабиб Нўъмонни (Худо раҳматига олган бўлсин) сира ёдимдан чиқармасам керак. Феъли кенг, юраги дарё бу адиб ёшларнинг чинакам мураббийи эди. Ёзганларимизни эринмай ўқир, тузатар, йўл-йўриқлар берар, руҳлантирарди. Газетанинг бош муҳаррири Мақсуд Қориев ҳақида ҳам дил сўзларимни айтгим келади. Мақсуд ака қалами «йилт» этган ҳар бир журналистнинг ҳам талабчан, ҳам меҳрибон устози эди. Тошкентда кўплаб дўстлар орттирдим, бу шаҳарнинг бағри кенг одамларидан унутилмас яхшиликлар кўрдим. Энди ўйлаб қарасам, ана шундай инсонлар тимсолида бизга ўхшаганларнинг бошини силаган бағри кенг, меҳр-оқибатли Тошкент экан.

Мактабда, институтда ўқиб юрган пайтларимизда адабиёт дарсликларида Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Шайхзода сингари устоз шоир ва ёзувчиларнинг суратларини кўриб, ўзимча булар қанақа одамлар экан дердим. Орадан йиллар ўтиб, суратларига ҳайрат билан тикилганим бу ажойиб қалам соҳиблари билан бир эмас, бир неча марталаб кўришиш, ҳатто, соатлаб суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдим. Бу бахтни ҳам водийдан пойтахтга катта орзулар билан келган соддагина йигитчага азим Тошкент муяссар қилди!

Газета таҳририятида ишлаб юрган кезларимда унутилмас воқеалар тез-тез содир бўлиб турарди. Бир куни йўлақда гулдурақдек қулгу эшитилиб қолди. Кейин менга таниш овоз ҳам келди. Ғафур аканинг овозику, деб ўйладим ва ташқарига чиқдим. Ҳа, Ғафур Ғуломнинг ўзи экан. Уч-тўрт ходимимизга латифа айтиб бераяпти шекилли. Бирдан менга кўзи тушиб қолиб: «Ие, фарғоналик шоир бола-ку, бу ёққа кел», деб қолди. Ийманиброқ бориб кўришдим. «Шу ерда ишлаяпсанми, яхши қипсан. Астойдил бўл!» Бу гаплар мен учун катта далда эди.

Буни улуғ устозларнинг меҳри дейиш кам, бу Тошкентнинг фарғоналик тетапоя қаламкашга меҳри деб баралла айтиш керак.

Таҳририят топшириғи билан жуда кўплаб таниқли адиб, санъаткорлар билан учрашдим. Айниқса, Ойбек домла билан учрашувимиз ҳеч эсимдан чиқмайди. Кунларнинг бирида Ойбек аканинг дала ҳовлисига бордим. Қия очиқ эшикдан ичкарига кирдим. Рўпарадаги ҳосилдан шохлари эгилган олма дарахти остида хаёлга чўмган барваста бир киши турарди. Овозимни бироз баландлатиб «мумкинми?» дедим. У киши менга ялт этиб қаради. Ойбек! Худди ўзи! Мен китобларда суратларини кўриб юрган Ойбек! Шу чоқ ёнимда бир аёл пайдо бўлди. Ёзувчининг рафиқаси экан.

Биз опа билан Ойбек домла томон юрдик. Мен унга салом бердим. У алик олгандай бош силкиб, қўл узатди. Биз сал нарида турган стулларга ўтирдик. Ойбек ака менга бир нима деганди, гапига тушунмадим. Шунда рафиқаси Зарифа опа: «Қаердансиз, хизмат?» — деяптилар деб тушунтирди. Мен иш жойимни, келишим сабабини айтдим. Ёзувчи «яхши» дегандай бўлди. Кейин менга қараб, яна бир нималар деди. Афсус, яна тушунмай, довдираб қолдим. Шунда аёли «Болалик»ни ўқидингизми, деб сўраяптилар», — деб қолди. «Ўқидим, — дедим шоша-пиша, — зўр, жудаям яхши!» Ойбек ака ўшанда жилмайиб қўйгани эсимда. Назаримда менга бир нималар демоқчи бўлди-ю, индамай қўя қолди. Ҳа, шўроларнинг муттасил зуғуми бу улуғ зотни тилдан маҳрум қилишгача борганди. Лекин метин иродали адибнинг гўзал қалбини тилдан қолдира олмади. Бу гапларни шунчаки эслаб ўтаётганим йўқ. Мен Ойбекнинг барча асарларини тўла ўқиб чиққан эдим. Унинг романлари қаҳрамонларини севганим учун бир қизимнинг исмини Дилдор, иккинчисини Гулнор деб қўйганман.

Улуғ Тошкент бағридаги таҳририятда хизмат қилганим боис шундай мўътабар инсонлар билан мулоқотда бўлганман, улардан сабоқ олиб, ижод оламига кирганман. Тошкент нафақат мени, балки менга ўхшаш минглаб, ўн минглаб одамларнинг бошини силаган, уларни ҳаётнинг катта йўлига олиб чиққан, ижод жабҳаларига йўллаган шаҳар. У йилт этган истеъдод борки, қанот берган, юксак парвозга чоғлаган.

Умримнинг деярли чорак асрини Тошкент билан боғлаган ижодкор сифатида бир гапни таъкидлаб ўтишни истардим. Бугунги Тошкент бизнинг кўзимиз ўрганиб қолган тўқсонинчи йилларнинг бошларигача бўлган шаҳардан бутунлай фарқ қилади. Истиқлолимиз уни гуркиратиб юборди. Кейинги ўн олти-ўн етти йил ичида қад кўтарган юзлаб осмонўпар бинолар, иншоотлар, равон, кенг йўллар, янги-янги бозорлар...

Буларни санаб адоғига етиш қийин. Тўкин-сочинлик, маъмурчиликни айтмайсизми. Шаҳар бағридаги кўпдан-кўп ўқув муассасалари, дорилфунунлар ёшларга эшигини кенг очиб қўйибди. Ўн минглаб ёшлар, истиқлолимиз даври фарзандлари жаҳон беллашувларида ҳеч кимдан кам эмасликларини бот-бот намойиш этиб туришибди.

Беадад шукурки, қадим Тошкент ҳамон ўз анъаналарини давом эттириб, истеъдодли ёшларни бағрига олмоқда, уларни тарбиялаб, камолга етказиб, учирма қилмоқда.

Охунжон ҲАКИМ,
Ўзбекистон халқ шоири.

❖ Маънавий жасорат соҳиблари

ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ САБОҚЛАРИ

Юртимизда таниқли адабиётшунос, таржимон, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланмоқда.

«Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси атоқли олим Озод Шарафиддинов таҳририятимизнинг фаол муаллифларидан бири бўлгани билан фахрланади.

Биз у кишига қайси мавзуда мурожаат қилмайлик, вақти зиқ, катта ижодий ишлар билан банд бўлишига қарамай газетхонлар ўртасида севиб ўқиладиган, фикр-мулоҳаза уйғотадиган залворли мақолаларни ўз вақтида етказиб берарди. Шу тариқа газетамизда унинг **«Инсон ҳамиша меҳрга муҳтож», «Меҳр нимадан бошланади?», «Она тилим — ифтихорим, инжа ганжинам»** каби қатор адабий-публицистик мақолалари эълон қилинди. Шундай мақолаларнинг бутун мазмун-моҳиятини ифодалайдиган ҳикматлар, фикр-мулоҳазалар ҳамон бизнинг дилимизда, тилимизда.

ИНСОН ҲАМИША МЕҲРГА МУҲТОЖ

Мен яна бир нарсага аминман — маънавий қадриятлар ичида меҳр ва мурувват энг қудратлиси, энг мўъжизакоридир. Меҳр дарёларни тескари оқизмаса-да, одамни тубдан яхшилаши мумкин, бир одамдан бутунлай бошқа — юксак фазилатли, гўзал табиатли янги одамни бунёд қилиши мумкин.

●●●

Бир неча йиллардан бери ҳар бир йилимиз бирор катта масалага бағишланади: Соғлом авлод йили, Аёллар йили, Оила йили, Қарияларни қадрлаш йили, Обод маҳалла йили... Мана бу йил — Меҳр ва мурувват йили. Авваллари мен булар ўртасидаги алоқага кўп аҳамият бермаган эканман. Энди ўйлаб қарасам, улар ўзаро жуда мустаҳкам ички мантиқ билан боғланган экан. Йилларнинг ҳар бири маънавиятимизнинг таркибий қисми сифатида бир-бирини тўлдиради ва давом эттиради. Бинобарин, биз ҳар йили пухта ўйланган дастурлар асосида маънавиятимизнинг бирор қиррасини қайтадан чуқур идрок этяпмиз, унинг кемтикларини тўлдиряпмиз ва кўнглимизга жо қилиб оляпмиз. Менинг назаримда, буларнинг ҳаммасини бамисоли «маънавият дорилфунуни» деб атаса бўладики, унда олинган сабоқлар йил ўтгандан кейин ҳам бизни фаол ҳаракатга чорлайди.

●●●

Дарҳақиқат, меҳрнинг қонунлаштириб қўйилган битта шакли йўқ, у ҳаётда бениҳоя хилма-хил шаклларга, кўринишларга эга. Худди ҳар бир кўнгил муҳаббатни янгилагани каби, бировга меҳр-мурувват кўрсатадиган ҳар бир одам унинг шакли шамойилини ўзи белгилайди. Йиғлаб турган боланинг бошини силаб, кўзидаги ёшни артиш ҳам меҳр. Йиқилган одамни суяб турғазиб қўйиш ҳам меҳр. Шикаста кўнгилга далда бериш, унинг дардига шерик бўлиш ҳам меҳр. Бирор муштипарнинг, мискиннинг кўнглини кўтариш, беморнинг юрагига умид нурларини ёқиш, бирор кимсани ёмон йўлдан қайтариб, тўғри йўлга солиб юбориш... Эҳ-ҳе, меҳрнинг турларини, мурувватнинг кўринишларини санаб адо қилиб бўлмайди.

МЕҲР НИМАДАН БОШЛАНАДИ?

Меҳр-мурувват бир одамнинг иккинчи одамга кўрсатадиган эҳсонигина эмас, балки у ҳар бир одамнинг руҳий дунёсидаги етакчи белгидир. Фуқаролик жамиятидаги ҳар бир одам ҳамиша меҳр-мурувват, яхшилик, муҳаббат қонунига амал қилиб яшамоғи, фақат бир йил эмас, бутун умр давомида унинг қалбида эзгулик байроғи ҳилпираб турмоғи керак.

●●●

Биз ўтган мустақиллик йилларида жамиятимизнинг иқтисодий асосларини тиклаш билан бирга, юқоридагидек маънавий устунларини тиклаш борасида ҳам кўпгина ишлар қилдик, энг муҳими, бу ишлар бир йил-икки йил ичида ўтиб кетадиган ўткинчи кампания эмаслигини, балки астойдил, енг шимариб бу ишга киришиш лозимлигини, унинг даражасини доимо юқори тутиб боришимиз зарурлигини англадик.

●●●

Меҳр-мурувват, эзгулик, олижаноблик алоҳида-алоҳида, бир-биридан ажралган қадриятлар эмас, балки бир-бири билан чамбарчас боғланган, бир-бирини тақозо қиладиган, бир-бирини тўлдирадиган сифатлардир. Шунинг учун уларни умумлаштириб, Яхшилик қонуни деб атаса ҳам бўлади.

«ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ»

Диққат

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 6 мартдаги фармойишига асосан жорий йилнинг 15 мартидан 15 апрелига қадар республикамиз ҳудудида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш чора-тадбирларини кўриш, транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва жойларни белгилаш, уларни кўрикдан ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тайёрлаш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини ошириш, ҳайдовчилар тайёрлаш ўқув ташкилотларида ўқитиш ишларини яхшилаш, қоларверса бу ишга кенг жамоатчиликни жалб этиш мазкур тадбирнинг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Фармойиш талабларини бажариш мақсадида ИИВ томонидан ташкилий-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Уни амалга оширишга ички ишлар идоралари, жумладан, ДЙХХХ ходимлари, идора ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла жамғармаси, меҳнат жамоалари ва халқ таълими тизимлари ходимлари жалб этилади. Улар томонидан ҳар куни меҳнат жамоаларида, маҳаллаларда ва оромгоҳларда, болалар боғчаларида учрашув ва суҳбатлар ўтказиб борилади.

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ўтказилаётганлиги тўғрисида аҳоли кўп тўпланадиган жойларда, бозорлар олдида реклама, панно ва шиорлар ўрнатилади. Телеканаллар орқали доимий тарзда реклама роликлари намойиш этилади. Ойлик мобайнида аниқланган қоидабузарликлар меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда муҳокама қилинади. Тадбир давомида махсус гуруҳлар ташкил этилиб, доимий тарзда рейдлар ўтказиб борилади.

Бундан ташқари, йўллар кўрикдан ўтказилиб, пиёдалар йўлқалари таъмирланади, йўл белгилари ўрнатилади ва эскирганлари алмаштирилади. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳокимлик ва идораларга тақдиномалар киритилади.

Анвархўжа СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЙҲХББ матбуот хизмати бошлиғи, подполковник.

Барча турдаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги объект бўйича танлов савдолари ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Тошкент вилояти Қибрай туманида Байтқўрғон қишлоғидаги «Бўстон» МЧЖ санаторийси учун 260 ўринли ошхона қуриш» объекти

Буюртмачининг белгиланган бошланғич нархи ҚҚС билан 1 295 786 040 сўм, ишларнинг тугалланиш муддати 9 ой.

Лойиҳа ишларини молиялаштириш Буюртмачининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши капитал қурилиш бошқармаси

Танлов савдолари ташкилотчиси: *«Экспертлойиҳаконсалтинг» МЧЖ.*

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдорида айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — «Экспертлойиҳаконсалтинг» МЧЖга қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй.

Тел: +(8-593) 252-75-71.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 (юз минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соатигача. Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан 30 кундан кейин юқоридаги манзилда ўтказилади.

❖ Спорт

АНВАР СОЛИЕВНИНГ МАҲОРАТИ

Хабарингиз бор, Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг илк турида Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси Саудия Арабистонининг «Ал-Иттифоқ» футболчилари устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Ушбу ўйинда ҳужумчи Анвар Солиев рақиб дарвозасини икки бора ишғол этиб, ўз жамоаси ютуғига муносиб улуш қўшди ва Осиё чемпионлари лигаси учрашувларида киритган тўплари умумий сонини 12 тага етказди. 2002-2003 йилги мавсумдан бошлаб мазкур мусобақада иштирок этиб келаётган ҳужумчимиз ушбу кўрсаткичи билан Осиё чемпионлар лигасининг пешқадам тўпурарлари ҳисобланган Ан Чжун Хван ҳамда Ким До Хун (Жанубий Корея)га етиб олди.

ОСИЁ КУБОГИ — 2011 РАМЗИ

Футбол бўйича Доха(Қатар)да 2011 йилда ўтказиладиган навбатдаги Осиё чемпионати рамзининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда мусобақа ташкилотчилари, шунингдек, ОФК ижроия қўмитаси аъзолари Фаррух Боузо, Саиф Ал-Масқерилар иштирок этишди.

2011 йили ўтадиган Осиё кубоги баҳсларининг рамзи ўзига хос тарзда ишланган бўлиб, унда Қатар миллий тимсоли кулранг новвос тасвири туширилган ва футбол тўпи акс эттирилган. Чемпионат рамзидаги олов ранг эса маълум маънода Осиё қитъасини ўзида мужассам этган.

Эслатиб ўтамиз, қитъа чемпионати охирги маротаба Яқин Шарқда 2000 йили Ливанда ўтказилганди. Орадан ўн бир йил ўтиб эса Қатар ана шундай нуфузли мусобақага мезбонлик қиладиган бўлди.

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ҳокимияти томонидан «UMID-AXROR FAYZ» хусусий корхонасига 2005 йил 16 декабрда берилган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги реестр тартиб рақами 001545-10, №-001545 сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси бўлим мудири Акбар Жонузоқовга отаси

Абдимурод ЖОНУЗОКОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
17081 nusxada bosildi
г — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 21.10
Topshirilgan vaqti — 21.40
8
Sotuvda erkin narxda